## Ишга жойлашиш маълумотларини бошқариш

### Ишга жойлашиш маълумотини яратиш

Ишга жойлашиш маълумотларини яратиш тизимнинг **Akademik arxiv / Ishga joylashish** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Ишга жойлашиш ойнаси

**Qo’shish** тугмасини танлаш орқали талабанинг иш жойини қўшиш ойнасига ўтинг ва зарур филтрларни танлаш орқали талабалар рўйхатини очинг (2-расм).




2-расм. Иш жойини қўшиш

Талаба қаторидаги **Ishga joylashish** тугмасини танлаш орқали талабанинг меҳнат маълумотларини яратиш ойнасига ўтинг (2-расм).

Яратиш ойнаси икки қисмдан иборат биринчиси **талаба маълумотлари**, бу қисмдаги маълумотлар автоматик тарзда шаклланади. Ойнанинг икки қисмида эса талабанинг меҳнат маълумотларини шакллантириш талаб этилади. Талабанинг меҳнат маълумотларини қўйидагича шакллантиринг:

- **Xodim statusi** майдонидан ходим статусини танланг;
- **Korxona (OTM) nomi** майдонига корхонанинг номини киритинг;
- **Lavozim** майдонига лавозимини киритинг;
- **Hujjat raqami** майдонига ҳужжат рақамини киритинг;
- **Hujjat sanasi** майдонидан ҳужжат санасини танланг;
- **Boshlanish sanasi** майдонидан бошланиш санасини танланг;
- **Sohalar** майдонидан соҳасини танланг;
- **Yo’nalishga mosligi** майдонидан йўналиши мос келиши ёки келмаслигини танланг;

– **Ishsizlik sababi** майдонидан қачонки **ходим статуси** майдонидан сабабли танланган вақда ишсизлик сабаби танлади.

Барча маълумотлар тўғри бўлса **Saqlash** тугмасини танлаш орқали маълумотларни сақланг.




2-расм. Талабанинг меҳнат маълумотлари

Ишга жойлашиш маълумотлари шаклланган талабалар рўйхатини кўриш тизимнинг **Akademik arxiv / Ishga joylashish** менюси орқали амалга оширилади (3-расм).




3-расм. Ишга жойлашиш маълумотлари шаклланган талабар рўйхати

Юқоридаги кетма-кетлик асосида иш жойлашган ёки маълум сабабга кўра ишга жойлашмаган (сабабли) талабалар рўйхатини шакллантириб олинг.

**Ишга жойлашиш маълумотини таҳрирлаш**

Талабанинг ишга жойлашиш маълумотини таҳрирлаш учун тизимнинг **Akademik arxiv / Ishga joylashish** менюсини танлаш орқали ишга жойлашиш маълумотлари шаклланган талабалар рўйхати ойнасига ўтинг (3-расм). Талабалар рўйхатидан талабани танлаш орқали ишга жойлашиш маълумотини

таҳрирлаш ойнасига ўтинг (2-расм). Таҳрирлаш ойнасидан бирор бир таҳрирлашни амалга оширинг ва **Saqlash** тугмасини танланг.

**Ишга жойлашиш маълумотини ўчириш**

Талабанинг ишга жойлашиш маълумотини ўчириш учун  талабанинг меҳнат маълумотлари ойнасидан **O‘chirish** тугмасини танланг (2-расм).